

Зулҳижжанинг ўн кунлиги кириб келар экан...



11:00 / 17.06.2023 9569

Зулҳижжа ҳаром ойларнинг бири бўлиб, унинг аввалги ўн кунлигида улкан фазилат бор. Унда энг аҳамиятли бўлган ҳаж амаллари ва Арофатда туришдек энг улуғ рукн бор. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда унинг фазилатини баён қилиш учун қасам ичиб айтади: **"Фажрга қасам ва ўн кечага қасам"**.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг фазилатини таъкидлаб: **"Аллоҳ таолога энг маҳбуб бўладиган амаллар мана шу кунлардадир" деганлар.** (Имом Бухорий Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган. 969-ҳадис)

Бу ойда қилинадиган амаллар қуйидагилар:

1. Жисмдаги барча аъзолар мағфират қилиниши учун қурбонлик қилишни ирода қилган кишига сочни қисқартириш ва тирноқларни олишни тарк қилиш. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: "Агар ўн (кунлик) кирса, қурбонлик қилишни ирода қилган киши сочини қисқартирмасдан ва тирноғини олмасдан қурбонлик қилади". (Имом Муслим Салама розияллоҳу анҳудан ривоят қилган. 1977-ҳадис)

2. Қуръон қироати ва кўп зикр билан машғул бўлиш. Набий соллаллоҳу

алайҳи васаллам айтадилар: "Унда (зул ҳижжанинг аввалги ўн кунлигида) таҳлил, такбир ва ҳамд айтишни кўпайтиринглар".(Имом Аҳмад Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган. 5446-ҳадис)

3. Унинг аввалги тўққиз кунда рўза тутиш. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: "Ундаги рўза тутилган ҳар бир кун бир йилнинг рўзасига, ундаги ҳар бир кеча қадр кечасига тенг бўлади".(Имом Термизий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган. 758-ҳадис)

4. Бу оининг тўққизинчи куни рўза тутишнинг фазилати таъкидланган. Чунки у Арафа кунидир. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан бу куннинг рўзаси ҳақида сўрадилар. Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Олдинги ва келаси йилларга каффорат бўлади", дедилар. (Имом Муслим Абу Қатода Ансорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган. 1162-ҳадис)

5. Ўнинчи куни рўза тутилмайди. Чунки у Қурбон ҳайити кунидир. Ундаги энг афзал амаллар: такбир айтиш, қурбонлик қилиш, садақа қилиш, яқинларга силаи раҳм қилиш... Кимки Байтуллоҳни севса, унга шавқи бўлса-ю, ҳожилар қаторида бўлмаса, унга биз зикр қилган тоат ва ибодатлар билан машғул бўлиши эваз бўлади. **Аллоҳим, бизга Байтининг ҳожилари ажрлари мислидек ажр ёзгин ва бизни солиҳларнинг даъватларига шерик қилгин. Омин!**

Доктор Муҳаммад Дарвеш.

Манба: Bintu Sodik